**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2018 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилиши**

**БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган сана: 28 июн 2019 йил
Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 11-00
Йиғилиш ўтказилган жой: Фарғона шахри, Меъмор кўчаси 9 уйда жойлашган жамият мажлислар зали
Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони- 3 643 308 дона;
Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони- 3 110 708 дона
Умумий йиғилиш кворуми- 85,38 %

**Қатнашдилар:**

| № т/р | Ф.И.Ш. | Акциядорнинг номи | Акциялар сони, дона | Улуши, (%) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Фармонов Бахтиёржон | Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг ишончли вакили | 3095500 | 84,96 |
| 2. | Джураева Нигора | Жисмоний шахс, акциядор | 428 | 0,01 |
| 3. | Умарова Наргизахон | Жисмоний шахс, акциядор | 428 | 0,01 |
| 4. | Васиев Мухиддин | Жисмоний шахс, акциядор | 428 | 0,01 |
| 5. | Махмудова Зуннура | Жисмоний шахс, акциядор | 344 | 0,01 |
| 6. | Жалолов Иқроржон | Жисмоний шахс, акциядор | 256 | 0,01 |
| 7. | Эргашев Икром | Жисмоний шахс, акциядор | 980 | 0,03 |
| 8. | Умерова Зарема | Жисмоний шахс, акциядор | 344 | 0,01 |
| 9. | Якубова Умидахон | Жисмоний шахс, акциядор | 428 | 0,01 |
| 10. | Саидбурхонова Нафиса | Жисмоний шахс, акциядор | 344 | 0,01 |
| 11. | Худояров Неймат | Жисмоний шахс, акциядор | 808 | 0,02 |
| 12. | Юнусова Рўзихон | Жисмоний шахс, акциядор | 256 | 0,01 |
| 13. | Гафурова Ирода | Жисмоний шахс, акциядор | 512 | 0,01 |
| 14. | Юлдашев Ойбек | Жисмоний шахс, акциядор | 552 | 0,02 |
| 15. | Абдуллаев Исроилжон | Жисмоний шахс, акциядор | 816 | 0,02 |
| 16. | Хусанов Қаҳҳоржон | Жисмоний шахс, акциядор | 988 | 0,03 |
| 17. | Нишонов Нодиржон | Жисмоний шахс, акциядор | 428 | 0,01 |
| 18. | Мирзаахмедов Аҳмаджон | Жисмоний шахс, акциядор | 4176 | 0,12 |
| 19. | Мусаев Равшан | Жисмоний шахс, акциядор | 256 | 0,01 |
| 20. | Тиллабоева Махпуза | Жисмоний шахс, акциядор | 772 | 0,02 |
| 21. | Джурабаева Санобар | Жисмоний шахс, акциядор | 344 | 0,01 |
| 22. | Қодиров Тўлқинжон | Жисмоний шахс, акциядор | 256 | 0,01 |
| 23. | Эрназаров Халилжон | Жисмоний шахс, акциядор | 552 | 0,02 |
| | **ЖАМИ:** | | **3 110 708** | **85,38** |

**Йиғилиш раиси: Б.Фармонов** – Давлат Активларини Бошқарииш Агентлигининг ишончли вакили**.**

**Йиғилиш котибаси: И.Гафурова**

**Кун тартиби:**

**1.** 2018 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.

**2.** 2018 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

**3.** 2018 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.

**4.** Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш.

**5.** Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.

**6.** 2018 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш.

**7.** 2019 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

**8.** Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

**9.** Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

**10**. Жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш.

**11.** Жамият бошқаруви раисини ваколатини узайтириш ёки муддатдан олдин тугатиш.

**12.** Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

**13.** Жамиятнинг узоқ муддатли стратегиясини тасдиқлаш.

**14.** Жамият Устави ва ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш.

**15.** 2014 йил якунлари бўйича ҳисобланган дивиденд тўловларини талаб қилиб олинмаган қолдиқ қисмини жамият фойдасига олиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида.

**16.** Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

**Сўзга чиқдилар:**

Йиғилишда қатнашган "Фарғона ёғ-мой" акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб бир овоздан Давлат активларини бошқариш Агентлигининг ишончли вакили Б.Фармоновни сайлашди. Йиғилиш раиси Б.Фармонов навбатдаги йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни саноқ комиссиясининг раисига берди.

Саноқ комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 3 643 308 та овозга эга бўлган 1212 та акциядорлардан 3 110 708 та овозга эга бўлган 23 та акциядорлар қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 85,38 % ини ташкил қилади. Йиғилишда кворум мавжуд.

Йиғилиш раиси йиғилишни очиқ деб эълон қилишни таклиф этди ва ушбу таклифни овозга қўйди.

**"Тарафдорлар" - бир овоздан, "Қаршилар" - йўқ, "Бетарафлар" - йўқ.**

Йиғилиш раиси йиғилишни ўтказиш учун ишчи президиум сайлашни таклиф этди ва унинг сони ҳамда таркиби бўйича таклиф киритишларини сўради.

"Ишчи президиуми 2 кишидан иборат бўлсин", деган таклиф тушди ва овозга қўйилди.

**"Тарафдорлар" - бир овоздан, "Қаршилар" - йўқ, "Бетарафлар" - йўқ**

"Ишчи президиумига қуйидагилар сайлансин", деган таклиф тушди:

**Раис: Б.Фармонов** - Давлат активларини бошқариш Агентлиги ишончли вакили, **йиғилиш раиси**.

**Аъзолари:** А.Мирзаахмедов - "Фарғонаёғмой" АЖ бошқарув раиси;

**Йиғилиш котибаси:** И.Гафурова.

**“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” – йўқ**

Йиғилиш раиси Б.Фармонов кузатув кенгаши томонидан тузилган саноқ комиссиясининг сони ва таркибини эълон қилди ҳамда уни тасдиқлашни таклиф этди. Саноқ комиссияси Эргашев Икром, Махмудова Зуннура, Хакимова Розалар таркибида тузилган. Ушбу таклиф овозга қўйилди.

**“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ**

Йиғилиш раиси саноқ комиссиясига ишга киришиш мумкинлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди.

Маърузачиларга – ҳар бир масала бўйича 10 минутгача, музокараларга 5 минутгача.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди. Овоз бериш кун тартибининг 15 масаласи бўйича кўп овозли бюллетен, 1 та масаласи юзасидан кумулятив овоз бериш бюллетенлар орқали овоз берилишини, овоз бериш бюллетенлари акциядорларга уларни рўйхатга олиш пайтида тарқатилганлиги ва овоз бериш ҳамма масалалар муҳокама қилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтилди.**

**Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан** йиғилиш раиси Б.Фармонов маъруза қилди. У ўз маърузасида 2018 йил давомида корпоратив бошқарув тамойиллари корхона фаолиятида тўғри ташкил қилинганлигини, кузатув кенгаши аъзолари ўзига бириктирилган вазифалар асосида иш олиб боришганлагини, йил давоида 11 та йиғилиш ўтказилиб, йиғилишда биринчи навбатда корхонани иқтисодий-ижтимоий қўллаб қувватлаш, қолаверса давлат манфаатлари йўлида белгиланган кўрсатмаларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилинганлигини маълум қилди(илова қилинади).

Муҳокамадан сўнг **“кузатув кенгашининг ҳисоботи ва 2018 йилдаги қарорлари тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

**Кун тартибининг иккинчи масаласи** бўйича ҳисобот учун сўз бошқарув раиси А.Мирзаахмедовга берилди.

“Фарғонаёғмой” АЖ томонидан 2018 йилда 44055 тонна техник чигит қайта ишланган. 2018 йил давомида 7529 тонна оқланган ёғ, 5074 тонна қадоқланган ёғ, 2294 тонна хўжалик совуни, 20277 тонна кунжараси ва 13193 тонна шелуха маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 2018 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилга нисбатан 100,5 % га ўсган ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 109,0 % фоизни ташкил этган. Маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум 74057,2 млн. сўмни, сотилган маҳсулотларнинг таннархи 49185,5 млн. сўмни, маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда 24871,7 млн сўмни, давр ҳаражатлари 9425,2 млн сўмни ҳамда соф фойда ҳажми 12818,9 млн. сўмни ташкил этган.

2018 йил учун тасдиқланган бизнес режа бўйича 4516,2 млн.сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 12818,9 млн.сўм соф фойда олинган (ҳисобот илова қилинади).

Муҳокамадан сўнг **“Жамият бошқарувининг 2018 йил учун ҳисоботи тасдиқлансин ва қониқарли деб баҳолансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

**Кун тартибининг учинчи масаласи** бўйича ҳисобот учун сўз жамият бош ҳисобчиси О.Ҳикматовга берилди.

О.Ҳикматов ўз сўзида 2018 йил давомида жамиятнинг молиявий ҳолатида бўлиб ўтган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтди (ҳисобот илова қилинади).

2018 йилда маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум 74057,2 млн. сўмни ташкил этганини, бизнес режада эса кўрсаткич 69201,1 млн.сўмни қилиб белгиланганлигини,

хақиқатда бизнес режага нисбатан 107,0 %га ошириб бажарилганлигини, сотилган махсулот таннархи 49185,5 млн.сўм, режада эса 55074,5 млн.сўмни ташкил қилганлигини, давр харажатлари 2018 йилда 9425,2 млн.сўм бўлиб, режада 8841,4 млн.сўм бўлганлигини, молиявий фаолият бўйича харажатлар 1279,3 млн.сўм бўлиб, улардан банк томонидан олинган кредитлар фоизлари 906,4 млн.сўм, валюта курси фарки бўйича 351,8 млн.сўмни ташкил этганлигини, соф фойда эса 4516,2 млн.сўм режага нисбатан 12818,9 млн.сўмга бажарилганлигини таъкидлаб ўтди.

Корхона молиявий ҳолатини яхшилаш мақсади учун 2 та узоқ муддатли кредит олинган ва улар қуйидагиларга йўналтирилган:

- 2018 йил 5 ноябр куни 733-сонли шартномага асосан хом-ашё сотиб олиш учун 10000 млн.сўм олинган кредитдан 2018 йилда кредит маблағи 1244 млн.сўми қайтарилди;

- 2018 йил охирида хом-ашё сотиб олиш учун 5999 млн.сўм олинган кредитдан 2018 йилда кредит маблағи 2443 млн.сўми қайтарилди;

Жами банкдан олинган кредит маблағларидан 2019 йил 1 январ холатига 12311 млн.сўм қарздорлик мавжуд.

Йиғилиш раиси Б.Фармонов жамият бош ҳисобчиси ҳисоботи бўйича ҳисоб китоблар ва молиявий камчиликларга урғу бериб, мазкур камчиликларга сабаб бўлган шарт-шароитларни таҳлил қилиш, айбдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни таклиф этди.

Муҳокамадан сўнг **“Жамиятнинг 2018 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин”** деган таклиф овозга қўйилди.

**Кун тартибининг тўртинчи масаласи** бўйича ҳисобот учун сўз тафтиш комиссиясининг аъзоси О.Федорцовга берилди.

Жамият тафтиш комиссиясининг 2018 йилдаги фаолияти давомида комиссия номига жамият бошқарувидан, акциядорлардан ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлардан аризалар ва мурожаатлар бўлмаган, комиссия йил давомида жамият бухгалтерияси ва молия фаолиятини ўрганиб борган. Комиссиянинг ҳисоботига кўра, жамиятнинг 2018 йил бухгалтерия баланси ва ҳисобварағида фойда ва зарарлар бўйича маълумотлар тўғри акс эттирилган, ҳамда жамият афилланган шахслари билан тузилган йирик битимлар бўйича ўрганиб чиқилиб хисоботи тузилган(маълумот илова қилинади).

Музокаралардан сўнг **“Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва ҳулосаси тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:**

Мажлис раиси 2018 йил 18 май кунги акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамиятнинг 2018 молия-хўжалик фаолияти бўйича аудит текшируви учун Молия вазирлиги томонидан 2008 йил 25 февралда берилган 00327-сонли лицензия асосида аудиторлик фаолиятини олиб борувчи “TTT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан 12,0 млн. сўмга шартнома қилинганлиги, аудит текширувлари йил давомида чоракма-чорак олиб борилиб, текширув натижалари бўйича 2018 йил 16 февраль куни аудиторлик ташкилоти томонидан ўз хулосаси берилганлигини билдирди.

Шундан сўнг сўзни “TTT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори М.Ботировга берди.

М.Ботиров ўз маърузасида корхона фаолияти текширилганида корхонада бухгалтерия ҳисобини юритишда асосий воситалар ҳисоби БХМС 5-сон ва товар-моддий заҳиралар ҳисоби БХМС 4-сон миллий андоза талабларига тўлиқ амал қилинганлигини, шунингдек БХМС 21-сон миллий андозаси ва бухгалтерия ҳисоби юритишда шу миллий андоза асосида амалга оширилганлигини билдирди ва ижобий фикр хулоса берилганлигини маълум қилди (ҳисобот

илова қилинади).

Б.Фармонов йиғилиш қатнашчиларига аудит текшируви юзасидан саволлар бўлмаса, “TTT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан “Фарғона ёғ-мой” АЖнинг 2018 йилги молия-хўжалик фаолияти бўйича берилган ижобий хулосаси тасдиқлансин деган қарорга бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

**<u>Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:</u>**

Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг ишончли вакили Б.Фармонов “Фарғона ёғ-мой” АЖда 2018 йилда 12.818.910.000 сўм соф фойда олинган бўлиб, Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг 2019 йил 18 июндаги 2111/03-19-сонли хатига кўра 2018 йил якунлари бўйича дивидент тўлаш ишлаб топилган соф фойданинг 50 %и миқдорида бўлиши ва Кузатув кенгашининг 2019 йил 30 май кунги 2-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ 2018 йил натижалари бўйича олинган соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклифини билдирди.

| | |
|---|---|
| Дивиденд тўловлари учун | 6 417 621 000 сўм<br>(соф фойданинг 50,06 фоизи) |
| | ҳар бир оддий акция учун 1750,00 сўмдан ва ҳар бир имтиёзли акция учун 1750,00 сўмдан |
| Резерв фондини шакллантириш учун | 640 945 500 сўм<br>(соф фойданинг 5,0 фоизи) |
| Корхонани ривожлантиришга, яъни кейинчалик устав фондига капитализация қилиш учун | 5 760 343 500 сўм<br>(соф фойданинг 44,94 фоизи) |
| Жами : | 12 818 910 000 сўм |

“Ўзпахтаёғ” АЖнинг ишончли вакили Б.Фармонов ушбу кузатув кенгашининг соф фойда тақсимоти бўйича таклифини йиғилиш қатнашчиларига эшиттириб ўтгандан кейин, соф фойдани тақсимлашни юқоридаги тартибда бўлишини таклифини киритиб овоз беришларини айтди.

Муҳокамадан сўнг **“2018 йил якунлари бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш юқоридаги тартибда амалга оширилсин”** деган таклиф овозга қўйилди.

**<u>Кун тартибининг еттинчи масаласи</u> бўйича сўз стратегик режалаштириш, бозор коньюктураси ва эхтиёжларини ўрганиш бўлими бошлиғи Н.Умаровага берилди.**

Тасдиқлаш учун тақдим этилаётган 2019 йил учун бизнес режада корхонанинг асосий техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари акс эттирилган бўлиб, унда жамиятни ривожлантиришга асос бўладиган ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш ишлари кенг ёритилган (маъруза илова қилинади).

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 июндаги Ф-3426-сонли фармойишига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 9 июлдаги 03/1-467-сонли йиғилиш баёнига асосан “Фарғона ёғ-мой” АЖ шаҳар ташқарисига кўчирилганлиги, юқори ташкилот “Ёғмойсаноатикорхоналари” уюшмаси билан келишилган ҳолда чигитни қайта ишлаш режалаштирилганлиги асосида 2019 йилда 42500 тонна техник пахта чигитини қайта ишлаш кўзда тутилган.

2019 йил қайта ишланадиган чигитдан 7926 тонна оқланмаган ёғ, 7039 тонна оқланган ёғ, 4927 тонна доғланган ёғ, 4925 тонна қадоқланган ёғ ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, 2500 тонна хўжалик совуни, 535 тонна ДЖК ишлаб чиқарилади.

Молиявий ҳисоб режаси бўйича 2019 йилда жами 109,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб

чиқариш режалаштирилганлигини, маҳсулот таннархи 95,4 млрд. сўм бўлиб, давр харажатлари 10,4 млрд. сўмни, соф фойда олиш эса 11704 млн. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ-1401-сонли қарорига асосан корхонанинг ишлаб чикариш қуввати йилига 250400 тонна ўрнига 126000 тонна этиб белгиланган, яъни кунига 400 тоннага ўзгартирилган, корхона бошқа жойга кўчирилиши муносабати билан 2019 йил ишлаб чиқариш қуввати 36,1 % даражасида кутилмоқда.

Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг ишончли вакили Б.Фармонов бизнес режа тузиш тартибларига кўра 2019 йил даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш масаласида тайёрланган бизнес режада соф фойда миқдорини ўтган йилда ҳақиқатда олинган соф фойда миқдоридан кам бўлмаган миқдорда режалаштирилиши, 2019 йилда соф фойдани белгиланишида хозирги кунда пахта техник чигитларини кластер тизимига ўтиб кетиши муносабати билан қайта ишлаш натижасида соф фойдани камайиши мумкинлигини инобатга олган холда соф фойда режасини 11704 млн.сўм этиб белгиланаётганлигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг **“Жамиятнинг 2019 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва ҳаражатлар сметасида соф-фойдани 11704395,0 минг сўмдан режалаштирилсин ва тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

**<u>Кун тартибининг саккизинчи масаласи</u>** бўйича сўз йиғилиш раиси Б.Фармоновга берилди.

“Фарғона ёғ-мой” АЖ акциядорларининг 2019 йил 22 февралдаги ўтказилган навбатдан ташқари умумий йигилишида Кузатув кенгашига сайланган Мадаминов Фаррух Фарходович, Раупов Абдурахмон Илхомович, Қурбоналиев Санжар Сабриддинович, Худайбердиев Камолиддин Устемирович, Карабаев Козим Бахтиярович, Камалов Аюбхан Арибжанович, Бадриддинов Зиёвуддин Боситович, Кариев Баходир Давранжанович, Бутиков Игорь Леонидовичлар фаолият олиб борганлар ва Кузатув кенгаши ўз иш режаси бўйича йил давомида 11 та йиғилиш ўтказганлинини ва бугунги йиғилишда улар қатнашиб йил давомидаги қабул қилинган қарорларни ижроси юзасидан хисоботларини тақдим этишди.

Кенгаш ўз йиғилишларида акциядорларнинг умумий йиғилиши, 2018 йил учун тасдиқланган бизнес режа кўрсаткичларини бажарилишини, чорак якунлари бўйича бошқарув томонидан олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботларини эшитганлиги, ҳисоботлар бўйича 2018 йилнинг чораклар бўйича ҳисоботлари маълумот учун қабул қилиниб фаолиятига ижобий баҳо берилганлиги хусусида сўз юритди.

Йиғилиш раиси Б.Фармонов кузатув кенгаши аъзолари жамият устави бўйича тўққиз аъзодан иборат бўлишини билдирди.

Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг 2019 йил 20 июндаги 2246/03-19-сонли хатига асосан бюллетенга киритилган номзодларга кумулятив овоз беришлари ҳамда ушбу номзодлардан энг кўп овоз олган тўққизтаси кузатув кенгашига сайланишини айтиб ўтди ва ушбу номзодлар билан таништирди:

| **№** | **Номзоднинг Ф.И.Ш.** | **Номзодни таклиф этган акциядор номи ва акцияларнинг миқдори** |
|---|---|---|
| 1. | Эшниёзов Жамолбек Умидович | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 2. | Тохиров Жамшид Уткурович | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 3. | Сайфуллаев Абдулазиз Садулла ўғли | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 4. | Нормуҳаммедов Тохир Анварович | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 5. | Тожиев Вохиджон Найматиллаевич | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |

| | | |
|---|---|---|
| 6 | Фарманов Бахтиёр Баходирович | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 7 | Суюнов Дилмурод Холмуродович | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 8 | Валижонов Жамшид Мухримжанович | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 9 | Абдураҳмонов Камронхўжа Камолхўжа ўғли | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |

**<u>Кун тартибидаги тўққизинчи масаласи</u>** бўйича сўз йиғилиш раиси Б.Фармоновга берилди.

Йиғилиш раиси Б.Фармонов 2019 йил учун тафтиш комиссияси аъзолигига Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг 2019 йил 20 июндаги 2246/03-19-сонли хатига асосан қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

| | Номзоднинг Ф.И.Ш. | Номзодни таклиф этган акциядор номи ва акцияларнинг миқдори |
|---|---|---|
| 1. | Тўлқинов Дилшод Тохиржон ўғли | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 2. | Мустафақулов Умиджон Пўлатович | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |
| 3. | Муродов Жахонгир Хусниддин ўғли | Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги, 3095500 дона, 99,6 % |

**<u>Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан:</u>**

Раислик қилувчи жамиятга сайланаётган бошқаруви таркибига қуйидаги номзодларни таклиф этди:

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Мирзаахмедов Ахмаджон | Бошқарув раиси |
| 2. | Абдурахмонов Мирзохид | Молия, маркетинг ва экспорт бўйича директор |
| 3. | Сафаров Бахромжон | Ишлаб чиқариш директори |
| 4. | Ибрагимов Олимжон | Бош энергетика хизмати бошлиғи |
| 5. | Ҳикматов Ойбек | Бухгалтерия хисоби, молия бўлими бошлиғи |

Муҳокамадан сўнг **“жамият бошқарувнинг янги таркиби рўйхат бўйича сайлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

**<u>Кун тартибидаги ўн биринчи масаласи юзасидан</u>:**

Раислик қилувчи кун тартибидаги мазкур масала бўйича жамият кузатув кенгаши томонидан жамият бошқаруви раислигига Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги томонидан А.Мирзаахмедов номзодини қўйилганлигини, мажлисга тайёргарлик даврида акциядорлардан бошқа таклиф тушмаганлигини айтиб, А.Мирзаахмедов номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 356-сонли Низоми асосида тендер ўтказилганлигини, тендерда А.Мирзаахмедов ютиб чиққанлигини ва тендер якунларига кўра Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги билан келишилганлигини айтди. Сайланган бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси бир йилга тузилишини тушунтирди ва йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз беришни сўради.

**<u>Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи юзасидан:</u>**

Жамият бухгалтерия, молия бўлими бошлиғи О.Ҳикматов жамиятнинг 2019 йилдаги

молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар тушганлигини айтиб ўтди:

- "MEZON AUDIT PERFEKT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2019 йил 5 апрел кунги Молия вазирлиги томонидан берилган 000738-сонли лицензияга эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун 12 млн.сўмлик тижорат таклифини берган;

- "AUDIT HISOB MARKAZI" МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2008 йил 14 март кунги Молия вазирлиги томонидан берилган 00376-сонли рухсатномага эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун келишилган ҳолда сумма белгиланишини тижорат таклифи берган;

- "BALANS-INFORM-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2015 йил 20 январ кунги Молия вазирлиги томонидан берилган АФ 00725-сонли лицензияга эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун 10 млн. сўмлик тижорат таклифини берган.

- "NAZORAT-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2008 йил 28 июл кунги Молия вазирлиги томонидан берилган АФ 00067-сонли лицензияга эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун келишилган ҳолда сумма белгиланишини тижорат таклифи берган.

Мажлис раиси йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2019 йил фаолиятини аудит текшируви учун тўланадиган ҳақнинг энг юқори миқдори ва ўз таклифини киритган аудиторлик корхоналар тажрибасини инобатга олиб, кўпчилик акциядорлар ва корхона мутахассисларини фикрларини инобатга олиб 12 млн.сўм тижорат таклифи билан қатнашаётган "MEZON AUDIT PERFEKT" МЧЖ аудиторлик ташкилотини бюллетенда овоз беришларини сўради.

**<u>Кун тартибининг ўн учинчи масаласи юзасидан:</u>**

Бу масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Фармонов сўзни жамият инвестиция бўлими бошлиғи С.Талиповга бериб жамитянингн 2019-2023 йиллардаги стретегиясини , яъни шу беш йил мобайнида жамиятни иқтиосдий, молиявий салоҳиятини ошириш борасидаги стратегияси бўйича бир қанча модернизация ишларини ва янгидан қуриладиган цехларни, улардан келажакда олиндиган даромадлар тўғрисидаги хисоботини эшиттириб, ушбу стратегияни бугунги умумий йиғилишимизда тасдиқлаш кераклигини айтиб овозга қўйди.

**<u>Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи юзасидан:</u>**

Бу масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Фармонов жамият устави ва ичи низомларига қонунчиликда киритилган ўзгартиришларга асосан Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги томонидан тақдим этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги тахририни тасдиқлашни овозга қўйди.

**<u>Кун тартибининг ўн бешинчи масаласи юзасидан:</u>**

Бу масала юзасидан жамият бош хисобчиси О.Ҳикматов сўз олиб, 2014 ишлаб топилган соф фойдадан жисмоний шахсларга оддий ва имтиёзли акциялар учун 14 792 032 сўм дивидент ажратилганлигини, шу давргача бу ажратилган дивидентдан жисмоний шахслар акциядорлари томонидан 71 879 584 сўмлик қисми олинганлиги, талаб қилинмаган қисми 14 792 032 сўмни ташкил этганлигини, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 51-моддасига асосан акицядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивидент қисми жамият ихтиёрида қолдирилиши кўрсатилганлини айтиб ўтди.

Музокаралардан сўнг **"2014 йил якунлари бўйича ҳисобланган дивиденд тўловларини талаб қилиб олинмаган қолдиқ қисми 14 792 032 сўмни жамият ихтиёрида қолдирилсин"**, деган таклиф овозга қўйилди.

**<u>Кун тартибининг ўн олтинчи масаласи юзасидан:</u>**

Йиғилиш раиси Б.Фармонов сўз олиб Корпоратив бошқарув кодекси бўйича қисқа тушунтириш берди.

Кодекс АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат эканлиги, Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилганлиги айтиб ўтилди ва “Фарғонаёғмой” АЖда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар қониқарли эканлиги, 2019 йил 20 майда мустақил баҳоловчи “ИШОНЧ” ЛТД МЧЖ томонидан 2018 йилда корпоратив кодекс тамойилларига риоя этилиши юзасидан 7-сонли хулоса олинганлиги ва бу ижобий хулоса эканлигини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди, шундан кейин Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани овозга қўйди.

**Йиғилиш раиси Б.Фармонов** мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозларни ҳисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.
*(танаффусдан сўнг)*

Йиғилиш раиси сўзни саноқ комиссияси раисига берди. Саноқ комиссиясининг раиси И.Эргашев саноқ комиссияси мажлисларининг 2-сонли баённомасини ўқиб берди (илова қилинади). Жумладан:
Хақиқий деб топилган бюллетенлар сони 23 дона, яъни 3 110 708 та овоз.

**Овоз бериш натижалари ҳисобланганда, овозлар қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:**

**Кун тартибининг биринчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг учинчи масаласи буйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг тўртинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг бешинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг олтинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг еттинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг саккизинчи масаласи бўйича:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Эшниёзов Жамолбек Умидович | 3 110 708 та овоз |
| 2. | Тохиров Жамшид Уткурович | 3 110 708 та овоз |
| 3. | Сайфуллаев Абдулазиз Садулла ўғли | 3 110 708 та овоз |
| 4. | Нормуҳаммедов Тохир Анварович | 3 110 708 та овоз |

| | | |
|---|---|---|
| 5. | Тожиев Вохиджон Найматиллаевич | 3 110 708 та овоз |
| 6. | Фарманов Бахтиёр Баходирович | 3 110 708 та овоз |
| 7. | Суюнов Дилмурод Холмуродович | 3 110 708 та овоз |
| 8. | Валижонов Жамшид Мухримжанович | 3 110 708 та овоз |
| 9. | Абдураҳмонов Камронхўжа Камолхўжа ўғли | 3 110 708 та овоз |

**Кун тартрибининг тўққизинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг ўн биринчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи бўйича:**

“MEZON AUDIT PERFEKT” МЧЖ 3 110 708 та овоз.

“AUDIT HISOB MARKAZI” МЧЖ овоз йўқ.

“BALANS-INFORM-AUDIT” МЧЖ овоз йўқ.

“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ овоз йўқ.

**Кун тартибининг ўн учинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг ўн бешинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг ўн олтинчи масаласи бўйича:**

“Тарафдорлар” – 3 110 708 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Йиғилиш раиси** саноқ комисссиясининг баённомаларини инобатга олишни сўради.

**“Тарафдорлар” – 100,0 %, “Қаршилар” – Йўқ, “Бетарафлар” – Йўқ**

Йиғилиш раиси акциядорлардан йиғилишни олиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни сўради. Таклифлар тушмади.

Шу билан умумий йиғилиш ўз ишини тамомлади. Йиғилиш сўнгида,

**“ФАРҒОНА ЁҒ-МОЙ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚУЙИДАГИЧА**
**Қ А Р О Р ҚИЛАДИ:**

**1.** 2018 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

**2.** 2018 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти

натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

**3.** 2018 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин.

**4.** Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

**5.** Жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан "TTT-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

**6.** 2018 йил якуни бўйича жамият соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

| | |
|---|---|
| Дивиденд тўловлари учун | 6 417 621 000 сўм (соф фойданинг 50,06 фоизи) |
| | ҳар бир оддий акция учун 1750,00 сўмдан ва ҳар бир имтиёзли акция учун 1750,00 сўмдан |
| Резерв фондини шакллантириш учун | 640 945 500 сўм (соф фойданинг 5,0 фоизи) |
| Корхонани ривожлантиришга, яъни кейинчалик устав фондига капитализация қилиш учун | 5 760 343 500 сўм (соф фойданинг 44,94 фоизи) |
| Жами : | 12 818 910 000 сўм |

**7.** 2019 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

**8.** Жамият кузатув кенгашига қуйидагилар сайлансин:

Эшниёзов Жамшид Умидович, Тохиров Жамшид Уткурович, Сайфуллаев Абдулазиз Садулла ўғли, Нормуҳаммедов Тохир Анварович, Тожиев Воҳиджон Найматиллаевич, Фарманов Бахтиёржон Баходирович, Суюнов Дилмурод Холмуродович, Валижонов Жамшид Мухримжанович ва Абдурахмонов Камронхўжа Камолхўжа ўғли.

**9.** Тафтиш комиссияси қуйидаги рўйхат бўйича сайлансин:

Тўлқинов Дилшод Тохиржон ўғли, Мустафақулов Умиджон Пўлатович ва Муродов Жахонгир Хусниддин ўғли.

**10.** Жамият бошқарувининг таркиби қуйидаги рўйхат бўйича сайлансин**:**

Мирзаахмедов Ахмаджон, Абдурахмонов Мирзохид, Сафаров Бахромжон, Ибрагимов Олимжон ва Ҳикматов Ойбек.

**11.** Жамият бошқарув раиси Мирзаахмедов Ахмаджон Мирзаевични ваколати бир йил муддатга узайтирилсин.

**12.** Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилоти "MEZON AUDIT PERFEKT" МЧЖ тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 12 000 000 сўм этиб белгилансин.

**13.** Жамият узоқ муддатли стратегияси тасдиқлансин.

**14.** Жамият Устави ва ички низомларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрири тасдиқлансин.

**15.** 2014 йил якунлари бўйича ҳисобланган хамда бугунги кунга қадар дивиденд тўловларини талаб қилиб олинмаган қолдиқ қисми 14 792 032 сўм маблағ жамият ихтиёрида қолдирилсин.

**16.** "Фарғона ёғ мой" АЖ фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шакли тасдиқлансин.

**Йиғилиш раиси,**

**Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги ишончли вакили** **Б.Фармонов**

**Йиғилиш котибаси** **И.Гафурова**

*Баённома 07.07.2019 йил куни икки нусхада расмийлаштирилди*